

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ХОТИН-ҚИЗЛАР
ТАДБИРКОРЛИГИНИ ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

«Адолат» МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ МАРКАЗИ
Тошкент – 2024

Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича услубий қўлланма. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий хуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 14 б.

Тузувчи: К. Усманов

Ушбу услубий қўлланма “маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда бу борада ажратиладиган субсидия ва белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш тартиби содда тилда баён этилган.

Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

Кириш	2
Хотин-қизлар тадбиркорлигини құллаб-қувватлаш соҳасини тартибга солувчи қонунчилік хужжатлари	3
Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кредит ажратиш	4
«Аёллар дафтари»га киритилган тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларни маҳсус ўқитиш дастури бўйича ўқитилишини таъминлаш	6
Тадбиркорлик субъектларига иш ўринлари ва шароитларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш учун субсидия ажратиш	7
Аёллар дафтари» рўйхатига киритилган хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилиш учун керак бўлган асбоб-усқуна, меҳнат қуроллари харид қилиш учун субсидия ажратиш	8
«Аёллар дафтари» рўйхатига киритилган хотин-қизларга томорқадан ва деҳқончиликдан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш	12
Хотин-қизларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш тартиби	12
Иловалар	14

Кириш

Сўнгги маълумотларга қўра, Ўзбекистонда доимий аҳоли сони қарийб 37 млн. кишини ташкил этади, шундан 49 % аёллардир. Мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги роли, гендер тенглик ва оила масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир.

2023 йил давомида “Аёллар дафтари” га киритилган аёлларнинг 108 490 нафарининг муаммолари ҳал этилди, қолганлари билан бугунги кунга қадар манзилли ишланмоқда.

Жорий йилда БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида бўлиб ўтган БМТ Аёллар ҳолати бўйича комиссиясининг 68-сессиясида Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди. Ушбу Сессияда камбағалликни бартараф этиш ва гендер тенгликни таъминлаш масалалари мухокама қилинди.

БМТнинг маълумотларига қўра, ҳозирги кунда дунё бўйлаб аёлларнинг 10,3 фоизи ўта қашшоқликда яшамоқда. 2030 йилга бориб, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун камбағалликка барҳам бериш жараёни 26 баробар тезлаштирилиши лозим. Шу боис, сессияда бутун дунё ҳукуматлари, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва эксперtlар аёлларнинг қашшоқлигини тугатиш ва гендер тенгликни оширишга қаратилган ҳаракатларни ишлаб чиқиш ва сармояларни жалб қилиш масалаларига эътибор қаратдилар.

“Маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган ушбу қўлланмада хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-куватлаш бўйича амалий тавсиялар берилган.

Қўлланма Сиз учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиласиз.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-куватлаш соҳасини тартиба солувчи қонунчилик хужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси	
Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни	
Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонуни	
Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2023 йилдаги «Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-401-сон қарори	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2023 йилдаги «Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-402-сон қарори	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2023 йилдаги «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-209-сон Фармони	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.03.2021 йилдаги «Хотин-қизларни қўллаб-куватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5020-сон қарори	
31.03.2022 йилдаги «Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 145-сон Ҳукумат қарори	

Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кредит ажратиш

Кредит 33 млн сўмгача миқдорда, 18 % лик ставкада ҳоким ёрдамчисининг тавсияси асосида ажратилади.

Кредит «Аёллар дафтари»га киритилган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга йўналтирилади.

Кредитлар қўйидаги шартлар асосида берилади:

оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларга	3 ойдан 6 ойгача имтиёзли давр	3 йилгача муддатга
--	--------------------------------------	-----------------------

Шунингдек, қўйидаги йўналишлар бўйича:

чорвачилик (четдан келтирилган наслли қўй ва эчки), балиқчилик ва паррандачилик (тухум йўналиши) учун	1 йилгача имтиёзли давр	3 йилгача муддатга
боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш, иссиқхона, қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарни харид қилиш учун	3 йилгача имтиёзли давр	7 йилгача муддатга

Кредит қарз оловчининг ссуда ҳисобварағидан кредит шартномасида белгиланган мақсадлар учун тегишли ташкилотларнинг банқдаги ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан ажратилади.

«Аёллар дафтари»га киритилган ва ўзини ўзи банд қиласиган хотин-қизларга **айрим турдаги фаолиятни** амалга ошириш мақсадида **5 млн сўмгача** миқдорида кредит маблағлари **нақд пулда** берилиши мумкин.

Айрим турдаги фаолият деганда, касаначилик, ҳунармандчилик, иссиқхона куриш ва шу кабилар учун зарурӣ хомашё, эҳтиёт қисм ҳамда қурилиш молларини сотиб олиш тушунилади.

Қуйидаги мақсадларда кредит ажратишиң тақиқланади:

илгари олинган кредитлар ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтариш;

шахсий әхтиёж учун автотранспорт воситаси сотиб олиш;

маъмурий харажатларни тўлаш, жумладан, автотранспорт воситасининг таъминоти, мебель, алоқа хизматлари тўлови ва уяли телефон сотиб олиш;

қонунчилик хужжатлари ва Марказий банкнинг қоидаларига кўра тақиқланган фаолиятларга.

Кредитлар «Микрокредитбанк» АТБ ва АТ «Халқ банки»нинг туман (шаҳар) филиаллари томонидан «Аёллар дафтари»да ҳисобда турган хотин-қизларнинг мурожаат қилиш қатъий навбати асосида Оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали ажратилади.

АТ «Халқ банки» «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларга кредит олишда кўмаклашиш, бу масалада республикада ажратилган кредитларнинг статистик ҳисботини юритиш ва кредит ажратилгандан сўнг уларнинг тадбиркорлигини ривожлантириш учун доимий қўллаб-куватлаш борасидаги амалий ишларни мувофиқлаштиришга масъулдир.

Маълумот учун: Ишисиз хотин-қизлар замонавий миллий либосларни ишилаб чиқарииш ва реализация қилиш мақсадида тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг бино ва инишоотнинг дастлабки 3 ойлик ижара тўлови 2024 йил 1 январдан бошлиб БХМнинг 10 бараваригача миқдорда Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиши жамгармаси томонидан қоплаб берилади.

Субсидия олиш учун :

мұстақил равища
маңалладағи хотин-қызлар
фаолига мурожаат қиласы

Кредит олиш учун :

«Микрокредитбанк» АТБ
АТ «Халқ банки»

«Аёллар дафтари»га киритилган тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирған хотин-қызларни маҳсус үқитиши дастури бўйича ўқитилишини таъминлаш

Ўқитиши харажатлари ҳисоб-китобга қўра аниқланади ва Оила ва хотин-қызларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасидан қопланади.

«Аёллар дафтари»га киритилган тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирған хотин-қызларни маҳсус ўқитиши дастури бўйича ўқитилишида кўмаклашиш хотин-қызлар фаолининг вазифасидир.


Зарур хужжатлар хотин-қызлар фаоли томонидан тайёрланади.

Оила ва хотин-қызлар қўмитасига мурожаат этилади.

Қуйидаги дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган хотин-қызларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кредитлар ажратилади:

- Маңаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби томонидан маъқулланган дастурлар асосида ташкил этилган ўқув курслари;
- «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-хунарга ўқитиши марказлари, маңаллалардаги касб-хунарга ўқитиши масканлари ҳамда Хотин-қызлар тадбиркорлик марказлари ёки нодавлат таълим муассасаларининг касбга ўргатиш ўқув курсларининг маҳсус ўқитиши дастурлари.

Тадбиркорлик субъектларига иш ўринлари ва шароитларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш учун субсидия ажратиш



Ушбу субсидия **Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси**дан молиялаширилади.

Субсидия микдори – ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи учун БХМНИНГ 40 бараваригача (13,6 млн сўмгача).

Аёллар дафтари» рўйхатига киритилган хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилиш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари харид қилиш учун субсидия ажратиш

«Аёллар дафтари»га киритилган тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган хотин-қизларга асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари (тикувчилик, тўқимачилик, пазандачилик, соч турмаклаш, дурадгорлик, чилангарлик, қурилиш, қишлоқ хўжалиги (мотокультиватор, ўт ўриш ўроқ машинаси, пайвандлаш аппарати, ўсимликларга ишлов бериш қурилмаси) ва бошқа соҳаларда ишлатиладиган меҳнат қуроллари ва аппаратларини харид қилиш учун «Аёллар дафтари» жамғармаси Васийлик кенгаши (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши) қарорига мувофиқ субсидия ажратилади.



Субсидия миқдори

- ⇒ Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда **7 млн сўмгача**;
- ⇒ «Аёллар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан **10 млн сўмгача** берилади.

Аризада қуйидагилар кўрсатилади:

- фаолиятни бошлаш учун керак бўладиган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларининг номи ва тури
- асбоб-ускуна, меҳнат қуролларининг сони
- асбоб-ускуна, меҳнат қуролларининг тахминий харид нархи
- бошқа қўшимча маълумотлар



Ариза берувчининг қолган барча маълумотлари (электрон шаклдаги фуқаролик паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси нусхаси, тадбиркор сифатида давлат хизматлари марказида давлат рўйхатидан ўтганлиги ёки ўзини ўзи банд қилган сифатида фаолият турлари бўйича солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат) ахборот тизими орқали инсон омилисиз аниқлаб олинади.

Аризани кўриб чиқиши натижасида ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган ва унда камчиликлар ёки ёлғон маълумотлар аниқланмаган тақдирда, мурожаат қилувчига ўз фаолиятини бошлишига керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидия ажратиш тўғрисида Васийлик кенгашининг қарори расмийлаштирилади.

Қарорда асбоб-ускуна, меҳнат қуролларининг **номи** ва уларни харид қилиш учун ажратиладиган **субсидия миқдори** кўрсатилади.

Аризани кўриб чиқиши натижасида ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганлиги ёки унда камчиликлар мавжудлиги ёхуд ёлғон маълумотлар кўрсатилганлиги аниқланган тақдирда, мурожаат қилувчига рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма равища хабар берилади.



Васийлик кенгашининг ишчи органи — Оила ва хотин-қизлар бўлими Васийлик кенгashi қарори расмийлаштирилган кундан бошлаб 5 иш куни ичидаги давлат харидларининг электрон тизими орқали қарорда кўрсатилган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини белгиланган тартибда харид қилиш чораларини кўради.

Буюртма асосида асбоб-ускуна ва (ёки) меҳнат қуроллари етказиб берилганда, бу ҳақда Васийлик кенгашининг ишчи органи қабул

қилиб олган кундан бошлаб 1 иш кунидан кечиктирмай ариза берувчини хабардор қиласи.

Тегишли асбоб-ускуна ва (ёки) меҳнат қуроллари ариза берувчига Васийлик кенгаши аъзолари ва ариза берувчи ўртасида тузиладиган далолатнома асосида топширилади. Далолатномада ариза берувчига тақдим этилаётган асбоб-ускуна ва (ёки) меҳнат қуролларининг хусусиятидан келиб чиқиб номи, тури, маркаси, кафолат муддати, харид қилинган нархи ва вақти кўрсатилиши керак.

Ариза берувчига ажратилган субсидия асосида харид қилинган асбоб-ускуна ёки меҳнат қуролларидан самарали фойдаланилаётганлиги, уларнинг техник ҳолати созлиги кафолат муддати давомида сектор штаби котиби томонидан ўрганилади.

Ариза берувчи «Аёллар дафтари» жамғармаси Васийлик кенгаши раиси номига ариза тақдим этади.

Васийлик кенгаши томонидан мурожаат 3 иш кунидан қўп бўлмаган муддатда ўрганиб чиқилиб, ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида субсидия ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Буюртма асосида асбоб-ускуна ва (ёки) меҳнат қуроллари етказиб берилганда, бу ҳақда оила ва хотин-қизлар бўлими қабул килиб олган кундан бошлаб 1 иш кунидан кечиктирмай ариза берувчини хабардор қиласди.

Оила ва хотин-қизлар бўлими қарор чиккан кундан бошлаб 5 иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизими оркали қарорда кўрсатилган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини белгиланган тартибда харид килиш чораларини кўради.

Тегишли асбоб-ускуна ва (ёки) меҳнат қуроллари ариза берувчига Васийлик кенгаши аъзолари ва ариза берувчи ўртасида тузиладиган далолатнома асосида топширилади.

«Аёллар дафтари» рўйхатига киритилган хотин-қизларга томорқадан ва дехқончиликдан даромад манбай сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш


Секторлар раҳбарлари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими, туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi ҳамда ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорликда «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга томорқадан ва дехқончиликдан даромад манбай сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш қуидаги йўналишларда амалга оширилади:

еңгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш;	парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқиши йўлга кўйиш;	дехқончилик билан шуғулланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш, қайта иглаш, сақлаш ва сотиш ишларида ҳар томонлама кўмаклашиш;	«Томорқа хизмати» ташкилотлари ва «Дала дўконлари»ни ташкил этиш.
---	--	--	---

Хотин-қизларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш тартиби

2024 йил 1 марта бошлаб «Аёллар дафтари» орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратишда бюрократиядан холи ва маҳалланинг ҳамжиҳатлигини акс эттирувчи янги тартиб жорий этилган.

- ✓ Күлланмада келтирилген ижтимоий ёрдам күрсатиш, кредит ва субсидия ажратиш **«маҳалла еттилиги»нинг коллегиал қарорлари** асосида амалга оширилади.



Маълумот учун: Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур маълумотлар «Онлайн Маҳалла» электрон платформасида жойлаштирилган (Иловаларга қаранг).

Иловалар

1-илова

+998 (78) 777-84-84 Расмий канал info@online-mahalla.uz


Online Mahalla

Бош саҳифа Тизим ҳақида Онлайн ахборотнома Савол-жавоб Боғланиш

Тизимга кириш

Бизнес режалар

Бош саҳифа » Бизнес режалар



Иссиқхона ташкил этиш

30.08.2022



Batafsil →

Кўёнчилик ташкил этиш

30.08.2022



Batafsil →

Автомобилларга енгил турдаги автотеххизмат...

30.08.2022



Batafsil →

Кичик шохли чорва хўжаликларини ташкил...

Асаларичноликни ташкил этиш

Тикувчиликни ташкил этиш

Тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган хотин-қизлар учун бизнес-режалар лойиҳалари ва ҳужжатлар тўплами **onlayn-mahalla.uz** платформасида мавжуд.

(Тегишли саҳифага ҳавола: https://online-mahalla.uz/public/pages/business_plans-page)

The screenshot shows the header of the Online Mahalla website. It includes a phone icon and number (+998 (78) 777-84-84), a video camera icon and link to the official channel, and an email icon and link (info@online-mahalla.uz). There are also social media icons for Facebook, Telegram, and Instagram. The logo 'Online Mahalla' is on the left. The top navigation bar has links for 'Бош саҳифа' (Home Page), 'Тизим ҳақида' (About the System), 'Онлайн ахборотнома' (Online News), 'Савол-жавоб' (Questions-Answers), and 'Боғланиш' (Feedback). A blue button on the right says '→ Тизимга кириш' (Enter the System). The main banner features a dark background with hands and the title 'Имтиёз ва преференциялар' (Privileges and Preferences) in white. Below it, a breadcrumb navigation shows 'Бош саҳифа » Имтиёз ва преференциялар'. The page content area is titled 'Ташкилотлар' (Institutions) and lists several government bodies as clickable links:

- Mahallabay ishlash va tadbirkorlikni rivojlantirish agentligi
- Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi
- O'zbekiston Respublikasi Yoshlar siyosati va sport vazirligi huzuridagi Yoshlar ishlari agentligi
- O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo'mitasi
- Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo'mitasi
- Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Tadbirkorlik faoliyatini qo'llab-quvvatlash davlat jamg'armasi
- O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki

Белгиланган имтиёз ва преференциялар ҳақидаги маълумотлар онлайне-маҳалла.уз платформасида жойлаштирилган.
(Тегишили саҳифага ҳавола: <https://online-mahalla.uz/public/pages/preferences-new>)